



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИ**

**Статистика органларида респондентларга
статистика ҳисоботларини тақдим этишда кўмаклашиш,
ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларни
профилактика қилиш ишларини ташкил этиш бўйича**

КЎРСАТМАЛАР

МУНДАРИЖА

1-боб. Статистика ҳисоботларини тақдим этадиган респондентлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш	3
1-§. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-418-сон Қонуни талаблари асосида тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни ташкил этиш	5
2-§. Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган респондентлар учун қулай шарт-шароитларни ташкил этиш	7
2-боб. Статистика ҳисоботларини тақдим этувчи респондентлар учун профилактика ишларини ташкил этиш	7
3-§. Ҳисобот тақдим этувчи респондентлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш	8
4-§. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этиш	9
5-§. Ижтимоий тармоқлар орқали тушунтиришлар олиб бориш	11
6-§. Кўргазмали стендлар ташкил этиш	12
7-§. Респондентлар учун қўлланмалар (буклетлар) ишлаб чиқиш ва тарқатиш	13
8-§. “Ишонч телефонлари” фаолиятини ташкил этиш	14
9-§. Статистика органлари расмий веб-сайтлари орқали профилактика ишларини ташкил этиш	14
3-боб. Профилактика ишларининг самарадорлиги ҳисобини юритиш	16
4-боб. Профилактика тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритиш, мониторинг ва назоратни ташкил этиш	17
Иловалар	19-23

**Статистика органларида респондентларга
статистика ҳисоботларини тақдим этишда кўмаклашиш,
ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларни
профилактика қилиш ишларини ташкил этиш бўйича
КЎРСАТМАЛАР**

Мазкур кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан статистика органлари олдида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу кўрсатмаларда статистика органлари томонидан расмий статистика соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва статистик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида ҳисобот тақдим этувчи субъектлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда респондентлар деб аталади)га янада қулай шарт-шароитлар яратиш, статистика ҳисоботларини тўлдириш ва тақдим этиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, соҳага оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ҳамда респондентлар билан кенг кўламли профилактика ишларини олиб бориш орқали, улар фаолиятида йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тегишли тавсиялар берилган.

Кўрсатмалар, респондентларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида статистика органлари томонидан ташкил этиладиган тушунтириш ишларини олиб бориш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиш, кўргазмали стендлар ташкил этиш, қўлланма (буклет)лар ишлаб чиқиш ва тарқатиш, “Ишонч телефонлари” фаолиятини олиб бориш, амалга оширилаётган ишларни мониторинг ва назорат қилиш, профилактика тадбирлари натижалари бўйича маълумотларни жамлаш, тақдим этиш ва муҳокамасини ташкил этиш бўйича тартиб-қоидаларни белгилаб беради.

**1-боб. Статистика ҳисоботларини тақдим этадиган респондентлар
учун қулай шарт-шароитлар яратиш**

Статистика органлари томонидан респондентларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, фаолият кўрсатаётган, шунингдек янги ташкил этилган респондентлар, улар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган статистика ҳисоботлари шакллари ва уларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида олдиндан хабардор этиб борилади.

Жумладан, респондентлар учун эслатма тариқасида, белгиланган статистика ҳисоботлари шакллари тақдим этиш муддатлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиш муддатида олдин мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, ҳудудий статистика органларининг расмий веб-сайтлари орқали ва бошқа имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда эълонлар бериб борилиши лозим.

Респондентлар томонидан тақдим этиладиган статистика ҳисоботларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини таъминлаш мақсадида, статистика органлари томонидан олдиндан тушунтириш-маслаҳатлар (консультациялар) бериб бориш ишлари ташкил этилиши лозим. Бунда, янгидан ташкил этилган респондентларга ҳисоботларни тузиш ва уларни тақдим этиш тартибларини тушунтириб борилишига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Респондентлардан статистика ҳисоботларини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 16 июлда 3312-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда Низом деб аталади) талаблари асосида ташкил этилиши лозим.

Қабул қилинадиган статистика ҳисоботлари қамровини таъминлаш, уларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигининг бирламчи таҳлилин олиб бориш мақсадида, олдиндан қуйидагилар тайёрлаб қўйилиши лозим:

ҳар бир статистика ҳисоботи турлари бўйича ҳисобот тақдим этувчи респондентларнинг аниқлаштирилган рўйхати;

ҳар бир статистика ҳисоботи турлари бўйича жорий йил ўтган ҳисобот даври учун ҳисобот маълумотларининг электрон базаси;

зарур ҳолларда, ўтган йилнинг тегишли ҳисобот даври учун олинган ҳисобот маълумотларининг электрон базаси.

Статистика органлари томонидан респондентлардан қонунчиликда назарда тутилмаган статистика ҳисоботини, шунингдек белгиланган статистика ҳисоботига қўшимча равишда, ҳисобот тузиш учун фойдаланилган бирламчи бухгалтерия ҳисоботлари, тушунтириш хати ҳамда бошқа маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

Статистика органлари томонидан респондентлардан статистика ҳисоботи шаклининг титул варағида белгиланган муддат ва даврийликка ҳамда ҳисобот тақдим этиш тартибига зид равишда ҳисобот тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, белгиланган муддатида олдин тақдим этилган статистика ҳисоботини қабул қилишни рад қилиниши мумкин эмас.

Статистика органининг масъул ходими, мантиқий ёки ўтган давр ҳисоботлари билан таққослама таҳлилни амалга ошириш вақтида фарқлар, хатоликлар ёки келишмовчиликлар аниқланганда, респондентдан фақат оғзаки тушунтиришлар олиши мумкин.

Тақдим этилган ҳисобот кўрсаткичлари олдинги даврларда тақдим этилгандан тубдан фарқ қилса – респондент томонидан ҳисобот шаклининг охиридаги эслатма учун белгиланган жойда мавжуд фарқларнинг келиб чиқиш сабаблари кўрсатилиши лозим.

Ўзгартирилган ҳисобот шакли Низом талаблари асосида ўз вақтида қайта тақдим этилган ҳолларда респондентнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

Муайян статистика ҳисоботи бўйича белгиланган статистика ишлари Статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ бажарилганидан сўнг, бўлимда ҳисобот учун масъул ходимлар ҳисоботлар таҳлили билан шуғулланади ва келгусида йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олдини олиш мақсадида, респондентлар билан статистика ҳисоботи шакллари тўғри тўлдириш ва тақдим этиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боради.

1-§. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-418-сон Қонуни талаблари асосида тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни ташкил этиш

Статистика ҳисоботларини тақдим этиш ишларини ташкил этишда тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-418-сон Қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси (кейинги ўринларда ЎЗР МЖТК деб аталади)нинг 271-моддаси (Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар) 11-банд билан, 305-моддаси (Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари) тўртинчи қисм билан тўлдирилган.

Жумладан, ЎЗР МЖТКнинг 271-моддасига мувофиқ, агар ушбу Кодекс **215-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган бўлса**, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмаслиги, бошланган иш эса тугатилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ЎЗР МЖТКнинг 305-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, “Ушбу Кодекс 271-моддасининг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги **баённома ва ишнинг бошқа материаллари ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда кўриб чиқилади**” деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу муносабат билан:

1) агар тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси **статистика ҳисоботини белгиланган тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этмаган ҳолда**, ЎзР МЖТК 215-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта (**охирги 1 йил давомида**) содир этганда, статистика органлари куйидагиларни амалга ошириши лозим:

- тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахсига статистика ҳисоботини 30 кунлик муддатда топшириши лозимлиги тўғрисида **кўрсатма хати** юборилади (1-илова);

- агар тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси кўрсатма хатини олгандан сўнг, статистика ҳисоботини 30 кунлик муддат ичида **тақдим этса**, ҳисобот қабул қилиб олинади ва унга нисбатан маъмурий иш юритиш бошланмайди (бошланган иш ЎзР МЖТКнинг 271-моддаси 11-банди ҳамда 310-моддаси биринчи қисми 2-банди ва иккинчи қисмига асосан тугатилади);

- агар тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси кўрсатма хатини олгандан сўнг, ҳисоботни 30 кунлик муддатда **тақдим этмаса**, унга **расмий чакирув хати** юборилади ҳамда белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси (ЎзР МЖТКнинг 279-281-моддаларига мувофиқ) тузилади;

- тузилган маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси ЎзР МЖТКнинг умумий қоидалари асосида кўриб чиқилади, тегишли қарор (хулоса) қабул қилинади ва зарур ҳаракатлар амалга оширилади.

2) агар тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси **статистика ҳисоботини хато-камчиликлар билан тақдим этиб, яъни ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатган ҳолда** ЎзР МЖТК 215-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта (**охирги 1 йил давомида**) содир этганда, статистика органлари куйидагиларни амалга ошириши лозим:

- тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахсига йўл қўйилган хато-камчиликларни **30 кунлик муддатда** ихтиёрий равишда бартараф этган ҳолда статистика ҳисоботини қайта топшириши лозимлиги тўғрисидаги **кўрсатма хати** юборилади (2-илова);

- агар тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси кўрсатма хатини олгандан сўнг, йўл қўйилган хато-камчиликларни **30 кунлик муддатда** ихтиёрий равишда бартараф этган ҳолда ҳисоботни **қайта топширса**, унга нисбатан маъмурий иш юритиш бошланмайди (бошланган иш ЎзР МЖТКнинг 271-моддаси 11-банди ҳамда 310-моддаси биринчи қисми 2-банди ва иккинчи қисмига асосан тугатилади);

- агар тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси кўрсатма хатини олгандан сўнг, 30 кунлик муддатда статистика ҳисоботидаги йўл қўйилган хато-камчиликларини **бартараф этмаса**, унга **расмий чакирув хати** юборилади ҳамда белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси (ЎзР МЖТКнинг 279-281-моддаларига мувофиқ) тузилади;

- тузилган маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси ЎзР МЖТКнинг умумий қоидалари асосида кўриб чиқилади, тегишли қарор (хулоса) қабул қилинади ва зарур ҳаракатлар амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган қоидалар фақат ташкилий-ҳуқуқий шакли таснифлагичи бўйича (ТХШТ) **тижорат ташкилоти** сифатида рўйхатга олинган юридик шахсларга нисбатан тадбиқ этилади.

Мазкур кўрсатмаларнинг 1- ва 2-иловаларида келтирилган кўрсатма хатлари ҳар бир статистика ҳисоботи бўйича алоҳида шакллантирилади ва респондентга юборилади.

2-§. Тадбиркорлик субъектлари бўлмаган респондентлар учун қулай шарт-шароитларни ташкил этиш

Тадбиркорлик субъекти бўлмаган респондентнинг мансабдор шахси **статистика ҳисоботини хато-камчиликлар билан тақдим этиш, яъни ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш орқали** ЎзР МЖТК 215-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта (**охирги 1 йил давомида**) содир этганда, статистика органлари қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- тадбиркорлик субъекти бўлмаган респондентнинг мансабдор шахсига йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этган ҳолда ҳисоботни қайта тақдим этиши лозимлиги тўғрисидаги **кўрсатма хати** юборилади (3-илова). Кўрсатмадаги маълумотларни тўғрилаб тақдим этиш муддати, амалдаги қонунчилик ва қайта ишлаш даврини ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

- агар тадбиркорлик субъекти бўлмаган респондентнинг мансабдор шахси кўрсатма хатини олгандан сўнг, статистика ҳисоботидаги хато-камчиликларни бартараф этган ҳолда, уни **кўрсатма хатида белгиланган муддатда қайта тақдим этса**, ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузганлик учун белгиланган маъмурий жазо чораси қўлланилмайди;

- агар тадбиркорлик субъекти бўлмаган респондентнинг мансабдор шахси кўрсатма хатини олгандан сўнг, унда белгиланган муддатда статистика ҳисоботида йўл қўйилган хато-камчиликларни **бартараф этмаса**, унга **расмий чақирув хати** юборилади ҳамда белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси (ЎзР МЖТКнинг 279-281-моддаларига мувофиқ) тузилади;

- тузилган маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси ЎзР МЖТКнинг умумий қоидалари асосида кўриб чиқилади, тегишли қарор (хулоса) қабул қилинади ва зарур ҳаракатлар амалга оширилади.

Мазкур кўрсатмаларнинг 3-иловасида келтирилган кўрсатма хати ҳар бир статистика ҳисоботи бўйича алоҳида шакллантирилади.

2-боб. Статистика ҳисоботларини тақдим этувчи респондентлар учун профилактика ишларини ташкил этиш

Статистика органлари томонидан, респондентларга статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, соҳага оид янгиликлар, статистика ҳисоботи шакллари ҳамда уларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этишнинг афзалликларини тушунтириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, профилактика ишлари ташкил этилади.

Профилактика ишлари:

- ҳисобот тақдим этувчи респондентлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш;
- оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил қилиш;
- ижтимоий тармоқлар орқали тушунтиришлар олиб бориш;
- кўргазмали стендлар ташкил этиш;
- қўлланмалар (буклетлар) ишлаб чиқиш ва тарқатиш;
- “Ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш;
- тизим органлари расмий веб-сайтларида тегишли материалларни жойлаштириб бориш орқали амалга оширилади.

Профилактика тадбирларининг барча йўналишларида, биринчи навбатда статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш тизими, унинг қулайликлари ва афзалликлари тўғрисида респондентлар, айниқса янги ташкил этилган респондентлар билан кенг қамровли тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилиши лозим.

3-§. Ҳисобот тақдим этувчи респондентлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш

Статистика органлари томонидан респондентларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, соҳага оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, ҳисоботларни тақдим этишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида, респондентлар билан тушунтириш ишлари олиб борилади.

Тушунтириш ишларида, респондентларни жорий этилган статистика ҳисоботлари, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек статистика ҳисоботларини аниқ ва тўлиқ тузиш ҳамда электрон шаклда тақдим этиш тизими билан таништиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тушунтириш ишлари қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

бевосита статистика органларига мурожаат қилган респондентларга соҳага оид қонунчилик талаблари, жумладан статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартиблари тўғрисида тушунтиришлар бериш;

респондентлардан ойлик, чорақлик, мавсумий ва йиллик статистика ҳисоботи шакллари қабул қилиш жараёнида тушунтиришлар бериш;

респондентларнинг Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасидаги статистик хос рақамлари ёки уларга тегишли маълумотлар ўзгарганда, уларни хабардор қилиш давомида, зарур ҳолларда тегишли ҳисобот турларини тақдим этишлари бўйича, тушунтиришлар бериш;

маҳаллий ҳокимият органлари, бошқа идоралар томонидан ва (ёки) биргаликда ўтказиладиган тадбирлар, жумладан маҳалла (овул) фуқаролар йиғинларида ташкил этиладиган учрашувларда тушунтиришлар бериш.

Ушбу тадбирлар, устувор равишда янги ташкил этилган ва аввал ўтказилган тадбирларда қамраб олинмаган респондентлар билан амалга оширилишига эътибор қаратилиши лозим.

Ўтказилган тушунтириш ишлари ҳисобини олиб бориш учун, статистика органлари томонидан, мазкур кўрсатмаларнинг 4-иловасига мувофиқ, рўйхатга олиш китоби юритилади. Мазкур рўйхатга олиш китоби фақат статистика органи жойлашган бинода ўтказилган тушунтириш ишлари учун юритилади.

Рўйхат олиш китоби ҳудудий статистика бошқармаларида ҳар бир тармоқ бўлими томонидан алоҳида, туман (шаҳар) статистика бўлимида умумий битта китоб тарзида юритилади.

Рўйхатга олиш китобида:

биринчи устунда, ўтказилган тушунтириш ишларини қайд қилиш тартиб рақами ва санаси ёзилади;

иккинчи устунда, статистика органининг тушунтириш берган масъул ходимининг фамилияси, исми ва лавозими кўрсатилади;

учинчи устунда, тушунтириш ишининг қисқача мазмуни баён этилади;

тўртинчи устунда, тушунтириш берилган респондент (корхона ёки ташкилот номи ва масъул ходими фамилияси ва исми) қайд этилади;

бешинчи устунда, респондент масъул ходимининг имзоси қўйилади;

олтинчи устунда, респондентнинг янги ташкил этилганлигини англатувчи белги (+) қўйилади.

Рўйхатга олиш китобининг варақлари рақамланади, ип ўтказиб тикилади ва раҳбар имзоси билан тасдиқланади. Ҳар бир йил учун алоҳида китоб юритилади.

Рўйхатга олиш китобини юритиш учун масъул шахс белгиланади.

Тушунтириш ишларини қайд этишда, ҳудудий статистика органининг барча раҳбар ва ходимлари томонидан берилган тушунтириш ишларининг тўлиқ қайд этилиши таъминланиши лозим.

Шунингдек, респондентларга статистика ҳисоботларини тақдим этиш бўйича олдиндан юборилган эслатма хатлари, туман (шаҳар) ҳудудида, жумладан маҳалла (овул) фуқаролар йиғинларида ўтказилган тадбирларда берилган тушунтиришларни тасдиқловчи ҳужжатлар (баёнлар) ҳам респондентлар билан тушунтиришлар ташкил этилганлигини асословчи ҳужжатлар ҳисобланади.

4-§. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этиш

Статистика органлари томонидан респондентларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини тушунтириш бўйича маҳаллий оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета ва журналлар) орқали чиқишлар ташкил этиб борилади.

Оммавий ахборот воситаларида амалга ошириладиган чиқишларда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш лозим:

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-418-сон Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-100-сон Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон Қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва унинг асосида давлат хизматини кўрсатишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 539-сон қарори.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларида, миллий статистика тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, статистика органлари томонидан респондентлар, жумладан тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, статистика ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш бўйича кўрсатмалар, ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари, шунингдек статистика соҳасига оид қабул қилинган бошқа ҳужжатлар тўғрисида материаллар ёритиб борилиши лозим.

Статистика органлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари орқали ташкил этилаётган чиқишларда сурункали равишда фақат эълонлар бериб борилишига йўл қўймасликлари зарур.

Оммавий ахборот воситалари орқали бериладиган материаллар мазмуни, устувор равишда респондентлар, жумладан тадбиркорлик субъектлари учун тушунтиришлар тарзида ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Худудий статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари раҳбарлари тегишли ҳудудда жойлашган оммавий ахборот воситалари, жумладан маҳаллий телевидение, радио ва газеталар таҳририятлари билан ишларни самарали ташкил этган ҳолда, кўрсатувлар ва эшиттиришларнинг ташкил этилиши ва мақолалар бериб борилишини таъминлашлари керак.

Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ҳар чоракда камида бир маротаба ташкил этилиши зарур.

Маҳаллий телевидение ва радиоканаллар орқали қилинган чиқишларни асословчи маълумотлар (ш.ж. видео- ва аудио ёзувлар), мақола ва эълонлар берилган газета (журнал) нусхалари йиғма жилдларга тўплаб борилиши керак.

5-§. Ижтимоий тармоқлар орқали тушунтиришлар олиб бориш

Респондентлар ва статистика органлари ўртасида амалдаги қонунчиликда белгиланган муносабатларни янада кучайтириш орқали самарали ҳамкорлик ўрнатиш, келиб тушган савол, таклиф ва муаммоларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни тезкор равишда бартараф этиш ва келгусида олдини олиш мақсадида, ҳудудий статистика органлари томонидан, **ижтимоий тармоқлар орқали респондентлар учун тушунтиришлар** ташкил этилади.

Ушбу мақсадлар учун ҳар бир туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан ижтимоий тармоқлар, хусусан “Telegram” тармоғида доимий фаолият олиб борадиган **махсус гуруҳлар** ташкил этилади.

Туман, шаҳар ҳудудида фаолият олиб боровчи респондентларни ижтимоий тармоқда ташкил этилган гуруҳга жалб этиш, улар билан олдиндан оғзаки келишган ҳолда амалга оширилади. Мазкур гуруҳларга максимал равишда ҳудудда фаолият олиб бораётган барча респондентлар, айниқса янгидан ташкил этилган респондентларни кенг ва мунтазам равишда жалб қилиб борилишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ҳар бир туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан ижтимоий тармоқда ташкил этилган гуруҳ тўғрисида ҳудудий статистика органларининг расмий веб-сайтларида, кўргазмали стендларда респондентлар учун қулай кўринадиган жойда ахборот жойлаштирилиши шарт.

Ижтимоий тармоқда бериб борилаётган материалларда респондентлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар тўғрисида маълумотлар, статистика ҳисоботларини тўлдириш бўйича кўрсатмалар, ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида маълумотлар, респондентлар учун тезкор эълонлар ёритиб борилиши лозим.

Ўз навбатида, гуруҳ аъзолари бўлган респондентларни қизиқтирган савол, таклиф ва фикр-мулоҳазалар, юзага келган муаммоли масалалар бўйича статистика органлари мутахассислари томонидан тезкор равишда малакали жавоблар ва тушунтиришлар бериб борилиши зарур.

Ижтимоий тармоқдаги гуруҳда оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета ва б.) орқали берилган, респондентлар учун муҳим бўлган материаллар, қўлланма (буклет)лар ҳам жойлаштириб борилиши мумкин.

Ҳудудий статистика органлари раҳбарлари, ижтимоий тармоқдаги гуруҳнинг узлуксиз ва самарали фаолият олиб бориши, бериладиган материаллар мазмунининг сифатлилиги, устувор равишда респондентлар учун малакали тушунтиришлар тарзида ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлишига алоҳида эътибор беришлари ва бу борада доимий назорат олиб боришлари лозим.

Гуруҳ аъзолари таркибининг мунтазам ўзгариб ва янгиланиб боришини ҳисобга олган ҳолда, эълон қилиб борилаётган материаллардан уларнинг, айниқса гуруҳга янгидан қўшилган аъзоларнинг доимий хабардорлигини таъминлаш мақсадида, ижтимоий тармоқда аввал эълон қилинган, шу билан бирга барча респондентлар учун долзарб ҳисобланган тавсия, эслатма, кўрсатма ва эълонларни мунтазам равишда такроран, камида ҳар чорақда бир марта қайтадан эълон қилиб борилиши зарур.

6-§. Кўргазмали стендлар ташкил этиш

Респондентлар, жумладан тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш ва улар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар тўғрисида мунтазам ахборот тақдим этиб бориш мақсадида, статистика органлари жойлашган бино (хона)ларда **деворий кўргазмали стендлар** ташкил этилади.

Деворий кўргазмали стендларда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки улар тўғрисида маълумотлар акс эттирилиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-418-сон Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон Қарори.

Деворий кўргазмали стендларда юқорида қайд қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг статистика соҳасига бевосита тааллуқли ва респондентларга етказилиши лозим бўлган тегишли бандларидан кўчирмалар жойлаштирилади.

Шу билан бирга, деворий кўргазмали стендларда:

Интернет тармоғи орқали статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

статистика органларининг “Ишонч телефонлари”;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги (кейинги ўринларда Статистика агентлиги деб аталади), ҳудудий статистика органлари раҳбарларининг қабул кунлари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

Деворий кўргазмали стендларда респондентлар хабардор бўлиши зарур бўлган бошқа материаллар ва эълонлар ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Деворий кўргазмали стендлар ҳамма учун қулай жойда жойлаштирилиши ва доимий равишда янгиланиб, такомиллаштириб борилиши керак.

Статистика органлари томонидан, шунингдек бошқа идоралар билан ҳамкорликда респондентлар ўртасида ўтказиладиган семинар-учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда мавзуга оид кўргазмали стендлар, баннерлар ташкил этилиши мумкин.

Кўргазмали стендларга жойлаштирилган маълумотлар ва эълонлар давлат тилида, зарур ҳолларда бошқа тилларда ҳам бўлиши мумкин.

7-§. Респондентлар учун қўлланмалар (буклетлар) ишлаб чиқиш ва тарқатиш

Статистика органлари томонидан респондентларга, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, статистика ҳисоботлари ва уларни тақдим этиш тартибларини етказиш мақсадида, долзарб мавзуларда **қўлланмалар (буклетлар)** тайёрланади ва мунтазам равишда тарқатиб борилади.

Қўлланмалар (буклетлар) тайёрлашда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни ёритишга эътибор берилиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари;

расмий статистика соҳасига оид фармон, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар;

миллий статистика тизимида респондентларга яратилаётган қулайликлар ва бошқа долзарб маълумотлар;

респондентларнинг статистика соҳаси билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

статистика ҳисоботи шакллари ва уларни электрон шаклда тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

статистика соҳасида коррупцияга қарши кураш бўйича маълумотлар.

Қўлланмалар (буклетлар)ни тайёрлашда уларнинг кўриниши (дизайни), сифати ва фойдаланиш учун қулай бўлишига эътибор берилиши, улар доимий равишда янгилаб борилиши лозим.

Қўлланмалар (буклетлар):

давлат тилида, зарур ҳолларда бошқа тилларда ҳам тайёрланиши;

ҳисобот қабул қилиш жараёнида, тушунтириш-тарғибот ишларини ўтказиш вақтида, респондентларнинг статистика органларига бевосита ташрифлари давомида тарқатилиши мумкин.

Қўлланмалар (буклетлар)ни тарқатишда, айниқса янги ташкил этилган респондентларнинг кенг қамраб олинishiга эътибор берилиши лозим.

Қўлланма (буклет)ларни тарқатиш ишлари ҳисоби ва мониторингини юритиш мақсадида, мазкур кўрсатмаларнинг 5-иловасига мувофиқ **рўйхатга олиш китоби** юритилади.

Рўйхатга олиш китобининг:

биринчи устунида, тартиб рақами;

иккинчи устунида, қўлланма тарқатилган сана;

учинчи устунида, қўлланма берилган респондент номи;

тўртинчи устунида, қўлланма олган шахснинг фамилияси, исми-шарифи;

бешинчи устунида, қўлланма олган шахснинг имзоси кўрсатилади;

олтинчи устунда, респондентнинг янги ташкил этилганлигини англатувчи белги (+) қўйилади.

8-§. “Ишонч телефонлари” фаолиятини ташкил этиш

Респондентларни қизиқтирган савол ва мурожаатларга малакали равишда аниқ жавоб ва маслаҳатлар берилишини таъминлаш, респондентларда юзага келган муаммоларни тезкор равишда ҳал этиш орқали тушунтириш ишларини янада яхшилаш мақсадида, Статистика агентлиги ва ҳудудий статистика бошқармаларида **“Ишонч телефонлари”** ташкил этилади.

Ташкил этилган “Ишонч телефонлари” тўғрисидаги маълумотларни жойларда фаолият юритаётган респондентлар эътиборига етказилишини таъминлаш мақсадида, улар ҳақида статистика органларининг расмий веб-сайтлари, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва кўргазмали стендлар орқали эълон бериб борилиши керак.

“Ишонч телефонлари”нинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларга келиб тушган саволлар ва мурожаатларни қабул қилиш учун масъул ходимлар бириктирилиши лозим.

“Ишонч телефонлари” орқали респондентлардан келиб тушган савол ва мурожаатларни тезкор ва амалий кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш учун малакали мутахассислар жалб этилиши ва ҳар бир мурожаатнинг кўриб чиқилиши бўйича назорат ўрнатилиши керак.

“Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш, уларга жавоб бериш ва бу борада тегишли ишларнинг амалга оширилиши, Статистика агентлигининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича қабул қилинган ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий амал қилган ҳолда олиб борилиши шарт.

“Ишонч телефонлари” орқали келиб тушган мурожаатлар қатъий равишда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, мурожаатни кўриб чиққан орган мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши шарт.

9-§. Статистика органлари расмий веб-сайтлари орқали профилактика ишларини ташкил этиш

Статистика органлари томонидан респондентларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, соҳага оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари, Статистика агентлиги томонидан тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, статистика ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш бўйича кўрсатмалар, тавсиялар ва эълонларни **тизим органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириб бориш** орқали ҳам профилактика ишлари ташкил этилади.

Бунда, асосий эътиборни веб-сайтларга соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва респондентларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган оммабоп материалларни мунтазам жойлаштириб бориш, веб-сайтлар орқали интерактив хизматларнинг узлуксиз кўрсатилишини таъминлаш ҳамда зарур ахборот ва статистик маълумотлар олиш билан боғлиқ қулайликлар яратишга қаратиш лозим.

Расмий веб-сайтларга қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;

расмий статистика соҳасига оид бошқа қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари.

Расмий веб-сайтларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нусхаси ёки статистика соҳасига тааллуқли ва респондентларга етказилиши лозим бўлган тегишли бандларидан кўчирмалар жойлаштирилади.

Шу билан бирга, веб-сайтларда:

Статистика агентлигининг респондентлар билан ўзаро муносабатларга боғлиқ бўлган қарорлари, буйруқлари ва услубий қўлланмалари;

статистика ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш бўйича тушунтиришлар;

статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш дастуридан фойдаланиш бўйича қўлланма;

фойдаланувчининг “шахсий кабинети” ҳамда статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимига кириш учун ҳавола;

“Ишонч телефонлари” ҳақида маълумотлар;

Статистика агентлиги ва ҳудудий статистика органлари раҳбарларининг қабул кунлари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

Шунингдек, расмий веб-сайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармони талабларига мувофиқ, назорати статистика органларига юклатилган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ҳамда улар талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо чоралари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши лозим.

Статистика агентлиги томонидан жорий этилган интерактив хизматлар тизим органлари веб-сайтлари орқали узлуксиз кўрсатилиши шарт.

Респондентларни қизиқтирган саволларга жавоблар, маслаҳатлар ҳамда тушунтиришлар бериш учун расмий веб-сайтда “Савол бериш” рукни ташкил этилади ва юритилади.

Шунингдек, расмий веб-сайтларда статистика ҳисоботларини тақдим этиш муддатлари тўғрисида ва респондентларга тааллуқли бошқа эълонлар ҳамда янгиликлар жойлаштириб борилиши лозим.

Бундан ташқари, статистика ҳисоботлари қамровининг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида, ҳисоботларни статистика органларига ўз вақтида тақдим этиш бўйича эслатма тарзида респондентларнинг уяли телефон рақамларига смс-хабарлар юборилиши мумкин.

3-боб. Профилактика ишларининг самарадорлиги ҳисобини юритиш

Профилактика ишларининг самарадорлиги, респондентлар, жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан статистика ҳисоботини белгиланган тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этмаслик, статистика ҳисоботини хато-камчиликлар билан тақдим этиш, яъни ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш орқали йўл қўйилган қоидабузилишлар, хато-камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш орқали таъминланади.

Профилактика ишлари билан боғлиқ фаолият самарадорлиги – йўл қўйган қоидабузилишлари, хато-камчиликлари профилактика тадбирлари натижасида бартараф этилган респондентлар сонига қараб баҳоланади.

Хато-камчиликларни бартараф этиш. Бунда – ташкилий-ҳуқуқий шакли тижорат ташкилоти бўлган респондентлар томонидан тегишли статистика ҳисоботлари статистика органига белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки ҳисобот кўрсаткичлари хатолик билан тақдим этилган ҳолатда кўрилган чоралар натижасида бартараф этилган хато-камчиликлар эътиборга олинади.

Хато-камчиликларни бартараф этиш ишлари, мазкур Кўрсатмаларнинг 1-боб 1-параграфида (*Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-418-сон Қонуни талаблари асосида тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш*) белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таъминланади.

Профилактика ишлари самарадорлиги ҳисобини юритишда, йўл қўйган қоидабузилишлари, хато-камчиликларини бартараф этиш бўйича тадбиркорлик субъектларига юборилган кўрсатма хатлари сони ва уларни бартараф этиш бўйича тақдим этилган статистика ҳисоботлари сони ҳисобга олинади.

Бартараф этилган хато-камчиликлар ҳисобини юритиш учун қуйидагилар асословчи ҳужжатлар ҳисобланади:

ҳудудий статистика органининг йўл қўйилган хато-камчиликни бартараф этиш юзасидан тадбиркорлик субъектига (тижорат ташкилотига) юборган кўрсатма хатлари нусхаси;

“eStat 4.0” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ёки қоғоз кўринишида тақдим этилган (белгиланган муддатда тақдим этмаганлар бўйича) ёки қайта тақдим этилган (ҳисоботда йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этган ҳолда) ҳисоботларнинг тақдим этилган санаси асосида “eStat 4.0” автоматлаштирилган ахборот тизимидан олинган маълумот.

4-боб. Профилактика тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритиш, мониторинг ва назоратни ташкил этиш

Амалга оширилган профилактика ишлари бўйича маълумотлар ҳаққоний, тўлиқ ва сифатли шакллантирилиши, ҳар бир йўналиш бўйича ўтказилган тадбирлар бўйича асословчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт.

Ташкил этилган тушунтириш ишларининг ҳисобини юритиш:

бевосита статистика органи жойлашган бинода ўтказилган тушунтиришлар бўйича – рўйхатга олиш китоби маълумотлари асосида;

респондентлардан статистика ҳисоботларини қабул қилиш жараёнида ўтказилган тушунтиришлар бўйича – уларга юборилган кўрсатма хатлари асосида;

респондентларнинг статистик хос рақамлари ўзгарганда ўтказилган тушунтиришлар бўйича – тегишли ҳисобот турларини тақдим этишлари бўйича уларга юборилган эслатма хатлар асосида;

ўтказилган тадбирлар (семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар)да берилган тушунтиришлар бўйича – тадбир якунлари бўйича тузилган баёнлар (маълумотномалар) асосида амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ҳисобини юритиш:

маҳаллий телевидение ва радиоканаллар орқали қилинган чиқишлар бўйича – уларни асословчи маълумотномалар (ш.ж. видео- ва аудио ёзувлар) асосида;

газета ва журналларда берилган мақола ва эълонлар бўйича – ушбу нашрларнинг нусхалари асосида ташкил этилади.

Ижтимоий тармоқ фаолияти ҳисобини юритиш, ҳудудий статистика органи томонидан ижтимоий тармоқда ташкил этилган гуруҳ сони ҳамда гуруҳга жалб этилган респондентлар сони бўйича – интернет тармоғи орқали мазкур ижтимоий тармоқ гуруҳи тўғрисида ҳисобот санасига олинган маълумотлар асосида юритилади.

Қўлланма (буклет)ларни тарқатиш ишлари ҳисобини юритиш, ишлаб чиқилган қўлланма (буклет)лар тури ва тарқатилган нусхаси бўйича – рўйхатга олиш китоби маълумотлари асосида юритилади.

“Ишонч телефонлари” фаолияти ҳисобини юритиш, мурожаат этган респондентлар сони бўйича – “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш журнали маълумотлари асосида юритилади.

Профилактика тадбирларига қамраб олинган янги ташкил этилган респондентлар жами сони ҳисобини юритиш:

тушунтириш ишлари бўйича – рўйхатга олиш китоби маълумотлари асосида; ижтимоий тармоқдаги гуруҳга жалб этилганлар бўйича – тармоқдаги гуруҳ аъзолари таркиби маълумотлари асосида;

қўлланма (буклет)лар тарқатилганлар бўйича – рўйхатга олиш китоби маълумотлари асосида юритилади ва ушбу маълумотлар ҳисобот жадвалига умумлаштирилган асосда киритилади.

Амалга оширилган профилактика тадбирлари натижалари тўғрисидаги маълумотлар, Статистика агентлиги томонидан белгиланган жадваллар асосида, ҳар ой якуни бўйича, ўсиб боровчи тартибда шакллантириб борилади.

Ой якунлари бўйича тайёрланган маълумотлар, туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан ҳудудий статистика бошқармасига **ҳар ойнинг 3-санасига қадар** тақдим этилади.

Ҳудудий статистика бошқармаси ва туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан амалга оширилган профилактика ишлари тўғрисидаги жамланма маълумотлар ҳудудий статистика бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланади ва **ҳар ойнинг 5-санасига қадар** Статистика агентлигига тақдим этилади.

Ҳудудий статистика бошқармалари томонидан профилактика ишлари тўғрисида тақдим этилган маълумотлар, Статистика агентлигининг Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармасининг Ҳудудий статистика органлари билан ишлаш бўлими томонидан таҳлил этилади ва умумлаштирилади.

Ҳудудий статистика органлари томонидан респондентлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва профилактика ишлари юзасидан доимий равишда Статистика агентлиги ва ҳудудий статистика бошқармалари томонидан мониторинг ўрнатилади.

Профилактика ишлари юзасидан мониторинг ва назорат ишларини ташкил этиш – жойлардан олинган маълумотларни таҳлил этиш, амалга оширилган ишлар юзасидан асословчи ҳужжатларни сўраб олиш, жойига чиққан ҳолда комплекс ўрганишлар ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ва улар ижросини назорат қилиш орқали амалга оширилади.

Амалга оширилган профилактика ишлари самарадорлиги ҳамда бу борада йўл қўйилган камчиликлар доимий равишда ҳудудий статистика бошқармаси йиғилишларида, шунингдек Кенгаш йиғилишларида муҳокама этиб борилиши ҳамда бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўриб борилиши лозим.

Ҳудудий статистика органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика ишларининг ҳолати ва уларнинг самарадорлиги натижалари Статистика агентлигининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилишларида танқидий муҳокама этиб борилади.

Статистика агентлигининг Ҳайъат йиғилишларида, ҳудудий статистика органлари раҳбарларининг жойларда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ишларини ташкил этиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар, бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилади, камчиликларга йўл қўйган тизим раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгиланади ва бу борада ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

Статистика органларида респондентларга
 статистика ҳисоботларини тақдим этишда
 қўмаклашиш, ҳуқуқий маданиятни
 ошириш ва ҳуқуқбузарликларни
 профилактика қилиш ишларини ташкил
 этиш бўйича кўрсатмаларга
 1-илова

НАМУНА

_____ га

 корхона раҳбари

КЎРСАТМА ХАТИ

Статистика ҳисоботи шакли: “Ҳисобот номи”

Ҳисобот тақдим этишнинг охириги муддати: “Ҳисобот муддати”

“Корхона номи” томонидан **“Ҳисобот номи”** статистика ҳисоботи белгиланган муддатда **тақдим этилмаган**.

Бу ҳолат билан Сиз ва (ёки) корхонанинг статистика ҳисоботини топширишга масъул бўлган мансабдор шахси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **215-моддаси биринчи қисмидаги ҳуқуқбузарлик биринчи марта** содир этилган.

Сиздан мазкур статистика ҳисоботини **қисқа муддатда** ихтиёрий равишда статистика органига белгиланган тартибда тақдим этишингизни сўраймиз.

Агар жорий ҳисобот даври учун статистика ҳисоботи **ўттиз кунлик муддатда** тақдим этилса, ҳисоботларни тақдим этиш муддатини бузганлик учун белгиланган **маъмурий жазо чораси қўлланилмайди**.

Шу билан бирга, юқорида аниқланган қоидабузилишнинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги Сизга ва (ёки) корхонанинг статистика ҳисоботини топширишга масъул бўлган мансабдор шахсига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **215-моддаси биринчи қисмидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий иш қўзғатилишига (энг кам иш ҳақининг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга) сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантирамыз**.

Шунингдек, келгуси ҳисобот даврларида ҳам статистика ҳисоботларини топшириш муддатини бузсангиз ёки ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатсангиз, Сизга ва (ёки) корхонанинг статистика ҳисоботини топширишга масъул бўлган мансабдор шахсига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасидаги ҳуқуқбузарлик учун умумий асосларда жавобгарлик масаласи кўриб чиқилишини таъкидлаймиз.

_____ туман (шаҳар) статистика бўлими бошлиғи

ФИО

Статистика органларида респондентларга
статистика ҳисоботларини тақдим этишда
қўмаклашиш, ҳуқуқий маданиятни
ошириш ва ҳуқуқбузарликларни
профилактика қилиш ишларини ташкил
этиш бўйича кўрсатмаларга
2-илова

НАМУНА

_____ га
корхона раҳбари

КЎРСАТМА ХАТИ

Статистика ҳисоботи шакли: “Ҳисобот номи”

Ҳисобот тақдим этишнинг охириги муддати: “Ҳисобот муддати”

“Корхона номи” томонидан “Ҳисобот номи” статистика ҳисоботи қуйидаги хато ва камчиликлар билан тақдим этилган:

.....
.....
.....

Ушбу хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар:

Статистика ҳисоботини тўлдириш ва тақдим этишда, унинг барча реквизит ҳамда кўрсаткичларини ишончли ва тўлиқ тўлдириш, ҳисобот маълумотларини мантикий текшириш, кўрсаткичларни ҳисобот шаклидаги ўлчов бирликларига мос киритилишини ҳамда ўтган ҳисобот даври учун тақдим этилган ҳисобот кўрсаткичларига ўзаро мос бўлишини таъминлаш тавсия этилади.

Сиздан юқорида кўрсатилган хато ва камчиликлар бартараф этилгандан сўнг тўғриланган статистика ҳисоботини қисқа муддат ичида қайта тақдим этиш сўралади.

Агар жорий ҳисобот даври учун статистика ҳисоботи **30 кун муддатда** тўғрилаб тақдим этилса, ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузганлик учун белгиланган маъмурий жазо чораси қўлланилмайди.

Шу билан бирга, юқорида аниқланган қоидабузилишларнинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги Сизга ва (ёки) корхонанинг статистика ҳисоботини топширишга масъул бўлган мансабдор шахсига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **215-моддаси биринчи қисмидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий иш қўзғатилишига (энг кам иш ҳақининг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга) сабаб бўлиши тўғрисида оғохлантирамыз.**

_____ туман (шаҳар) статистика бўлими бошлиғи

ФИО

Статистика органларида респондентларга
 статистика ҳисоботларини тақдим этишда
 кўмаклашиш, ҳуқуқий маданиятни
 ошириш ва ҳуқуқбузарликларни
 профилактика қилиш ишларини ташкил
 этиш бўйича кўрсатмаларга
 3-илова

НАМУНА

корхона раҳбари _____ га

КЎРСАТМА ХАТИ

Статистика ҳисоботи шакли: “Ҳисобот номи”

Ҳисобот тақдим этишнинг охириги муддати: “Ҳисобот муддати”

“Корхона номи” томонидан “Ҳисобот номи” статистика ҳисоботи қуйидаги хато ва камчиликлар билан тақдим этилган:

.....

.....

.....

Ушбу хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар:

Статистика ҳисоботини тўлдириш ва тақдим этишда, унинг барча реквизит ҳамда кўрсаткичларини ишончли ва тўлиқ тўлдириш, ҳисобот маълумотларини мантиқий текшириш, кўрсаткичларни ҳисобот шаклидаги ўлчов бирликларига мос киритилишини ҳамда ўтган ҳисобот даври учун тақдим этилган ҳисобот кўрсаткичларига ўзаро мос бўлишини таъминлаш тавсия этилади.

Сиздан юқорида кўрсатилган хато ва камчиликлар бартараф этилгандан сўнг тўғриланган статистика ҳисоботини “сон сўз билан ёзилади” иш кўни давомида қайта тақдим этиш сўралади.

Агар жорий ҳисобот даври учун статистика ҳисоботи ушбу Кўрсатмада белгиланган муддатда тўғрилаб тақдим этилса, ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузганлик учун белгиланган **маъмурий жазо чораси қўлланилмайди.**

Шу билан бирга, юқорида аниқланган қоидабузилишларнинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги Сизга ва (ёки) корхонанинг статистика ҳисоботини топширишга масъул бўлган мансабдор шахсига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **215-моддаси биринчи қисмидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий иш қўзғатилишига (энг кам иш ҳақининг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга) сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантирамыз.**

_____ туман (шаҳар) статистика бўлими бошлиғи

ФИО

Статистика органларида респондентларга
 статистика ҳисоботларини тақдим этишда
 кўмаклашиш, ҳуқуқий маданиятни
 ошириш ва ҳуқуқбузарликларни
 профилактика қилиш ишларини ташкил
 этиш бўйича кўрсатмаларга
 4-илова

**Респондентлар билан олиб борилган тушунтириш ишларини
 рўйхатга олиш китоби**

Т/р, сана	Тушунтириш берган масъул ходим Ф.И.О., лавозими	Тушунтириш ишининг қисқача мазмуни	Тушунтириш берилган респондент (корхона, ташкилот номи, масъул ходим Ф.И.О.)	Респондент масъул ходимининг имзоси	Респондентни янги ташкил этилганлигини англатувчи белги (+)
1	2	3	4	5	6

Статистика органларида респондентларга
 статистика ҳисоботларини тақдим этишда
 кўмаклашиш, ҳуқуқий маданиятни
 ошириш ва ҳуқуқбузарликларни
 профилактика қилиш ишларини ташкил
 этиш бўйича кўрсатмаларга
 5-илова

**Респондентларга тарқатилган қўлланма (буклет)ларни
 рўйхатга олиш китоби**

Т/р	Қўлланма берилган сана	Қўлланма берилган респондент номи	Қўлланма олган шахснинг Ф.И.О.	Қўлланма олган шахснинг имзоси	Респондентни янги ташкил этилганлигини англатувчи белги (+)
1	2	3	4	5	6

ИЗОҲ УЧУН

**Статистика органларида респондентларга
статистика ҳисоботларини тақдим этишда кўмаклашиш,
ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларни
профилактика қилиш ишларини ташкил этиш бўйича
КЎРСАТМАЛАР**

**Статистика ишларини ташкил этиш
ва методология бошқармаси**

**Маълумот учун телефонлар:
(998-71) 202-80-17, 202-80-18**

Буюртма № 2764 23.02.2023й.

Адади 30 нусха.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Статистика агентлиги
Статистик материаллар тарқатишни
техник қўллаб-қувватлаш шўъбаси
Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси, 63**